(1603-йил 23-август, Урганч – 1663-йил апрел, Хива)
(1644-1663)

Хива хони, шайбонийлар сулоласидан, тарихчи ва табиб. Абулгози Баходирхоннинг огалари Хабаш султон ва Элбарс султон оталари Араб Мухаммадхонни енгиб, уни Кум калъасига камадилар. Отасининг тарафдорлари бўлган катта огаси Асфандиёр Эронга, Абулгози Баходирхон эса Бухорога Имомкулихон хузурига кочди. 1623-йилда акаси Асфандиёрхон Хива тахтини эгаллагач, Абулгози Баходирхон Урганчга хоким килиб тайинланди. Лекин Асфандиёрхон билан ўрталарида низо чикиб, Абулгози Баходирхон 1627-йилда козок хони Эшимхон хузурига кочди; кейин икки йил Тошкент хокими Турсунхон билан бирга бўлди. Кўп ўтмай, туркманларнинг таклифига биноан у яна Хоразмга кайтди. Асфандиёр уни Хива хокими килиб тайинлашга мажбур бўлди. 1629-йилда туркманлар Эронга тобе бўлган Нисо ва Дорунни босиб олдилар. Асфандиёрхон Эрон билан муносабатларнинг тамоман жиддийлашиб кетишидан чўчиб, айбни Абулгози Баходирхонга тўнкади ва уни 1630-йил кишида Эрон подшохи хузурига гаров тарикасида юборди. Абулгози Баходирхон шу тарика 10 йил Эронда, Исфахон якинидаги Таборак калъасида камокда яшади. 1639-йилнинг ёзида у туткунликдан кочишга муваффак бўлди. Абулгози Баходирхон бир неча йил тахт учун кураш олиб бориб, нихоят 1644-йилда хокимиятни ўгли Анушахонга топширди. Абулгози Бухоро хони Абдулазиз билан Субхонкулихон ўртасидаги ракобатга хам аралашди, чунки, Субхонкулихон Абулгозининг жиянига уйланган эди. Бухоро хони билан сулх тузишга эришилди. Шунга карамай, Абулгозихон 1663-йили етти марта Бухоро хонлиги устига юриш уюштирди: Коракўл, Чоржўй, Вардонзе туманларини талон-тарож килди. У Бухоро хони Абдулазизхон даврида Бухорога кўпгина талончилик юришларини олиб борган. Унинг боскинчилик юришлари Бухоро хонлигининг сиёсий ва иктисодий ахволига ёмон таъсир кўрсатди ва ижтимоий-сиёсий ахволни мураккаблаштириб юборди. Абулгози кабила бошликлари нуфузини ошириш билан уларнинг марказий хокимиятга карши хатти-харакатларига бархам бермокчи бўлди. У хонликдаги барча кабилаларни тўрт гурухга бўлди: киёт-кўнгирот, уйгур-найман, кангли-кипчок, нукуз-мангит. Бунда кабилаларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи ва кариндошчилик алокалари хамда жойлашган ери хисобга олинди. Мазкур тўрт гурух яна ўн тўрт майда уруглар хам кўшилган. Хар бир кабилавий гурухга боглик – инок тайинланиб, хон шу инок оркали кабилага тегишли масалаларни хал килган. Иноклар хоннинг энг якин маслахатчиси сифатида саройда истикомат килганлар. Абулгози Баходирхон саройида хон хашами 32 кабила бошлиги – иноклардан иборат эди.
Абулгози Баходирхон йирик тарихчи олим сифатида хам эътиборга сазовор. Унинг 9 бобдан иборат “Шажараи Турк” хамда “Шажараи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) асарлари Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё тарихига оид кимматли манбалардан хисобланади. Абулгозихон “Шажараи турк” асари билан «Хоразм тарихчилик мактаби»га асос солган. Абулгози Баходирхон тиббиёт илмига оид “Манофиул инсон” (“Инсонга фойдали тадбирлар”) номли асар хам ёзган.